

## 1930-1940 ЙИЛЛАРДА ЎЗБЕКISTОН ССР ОЛИЙ СУДИ ФАОЛИЯТИ

**М.Р. Топилдиева**

Мирзо Улуғбек номидаги ЎзМУ Тарих факультети Ўзбекистоннинг энг янги тарихи кафедраси катта ўқитувчиси

**Аннотация:** Бу мақолада 1930-1940 йилларда Ўзбекистон ССР Олий суди фаолияти таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** Ўзбекистон ССР, 1930-1940 йилларда, Олий суди

30 -йилларда Ўзбекистонда суд тизими халқ судлари ва Ўзбекистон ССР Олий судидан иборат эди. Бу ўзгаришлар Ўзбекистон Советлари Марказий Ижроия Комитетининг 1931 йил 20 июлдаги қароридан қонунлаштирилди, унда "Ўзбекистон ССР суд тизими тўғрисида" ги Низом янги таҳрирда қабул қилинди<sup>1</sup>.

1931 йилда ЎзССР МИК Совети Хоразмнинг марказдан узоқдаги алоҳида шароитларини ҳисобга олиб, Хоразм округини тузиш тўғрисида фармон чиқарди. Шу муносабат билан Хоразм туман суди ташкил этилди. Кейинчалик Қашқадарё ва Сурхондарё туманлари тузилиб, уларда ҳам туман судлари ташкил этилди.

Шундай қилиб, таърифланган даврда Ўзбекистон ССР Олий суди Хоразм туман судларини, кейинчалик Қашқадарё ва Сурхондарё туманларини ва республиканинг қолган қисмида фаолият юритадиган халқ судларини назорат қилди. Бундай тизим 1938 йилдаги суд тизими тўғрисидаги Қонун қабул қилингунга қадар мавжуд эди.

Бу вақтга келиб Ўзбекистон ССР Олий судининг ишида ишларни назорат йўли билан кўриб чиқиш бўйича бирмунча тажриба тўпланган эди.

Олий суд таркиби маҳаллий миллий кадрлар билан мустаҳкамланди. Шундай қилиб, 1932 йилда Адлия Марказий идорасида ўзбеклар, тожиклар ва бошқа маҳаллий миллат вакилларида 52 масъул ходим ишлаган.

Кўриб чиқиладиган йилларда Коммунистик партия ва Ўзбекистон ССР ҳукуматининг асосий вазифаларидан бири аёлларни ҳақиқий озод қилиш, уларни социалистик қурилишга жалб қилиш эди.

<sup>1</sup> СУ УзССР, 1931, №25, ст.215

Ўша пайтда ҳали паранжи ташлаган, иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ҳаётда фаол иштирок этган ўзбек аёлларига нисбатан террористик актлар ҳолатлари тез-тез учраб турарди. Мисол учун, 1930 йил 12 январда “Правда Востока” газетасида Совет ҳукумати душманлари томонидан комсомол фаоли Отин-бибини (Беш Ариқ) ўлдирилишига оид ишни кўриб чиққан ЎзССР Олий суди кўчма сессияси ҳақида мақола чоп этилган. Олий суд ҳукмига кўра, жиноятчилар қаттиқ жазоланган.

ЎзССР ЮХК аёлларни ҳақиқий озод қилиш масаласига алоҳида аҳамият бериб, 1931 йил 30 январда республика суд органларига “Ишлайдиган аёлларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида” кўрсатма берди<sup>1</sup> унда феодал-бой қолдиқларига қарши курашнинг аёлларга нисбатан аҳамияти таъкидланган ва бу вазиятларда судларнинг аниқ вазифалари белгилаб берилган эди<sup>2</sup>.

Ўша пайтда катта миқдордаги давлат ва жамоат мулкни гуруҳлар томонидан ўғирлаш ҳолатлари тез-тез учраб турарди. Ушбу турдаги жиноятларга қарши курашни кучайтириш учун 1932 йил 7 августда "Давлат корхоналари, колхозлар ва кооперативлар мулкни ҳимоя қилиш ва ижтимоий социалистик мулкни мустаҳкамлаш тўғрисида" Қонун<sup>1</sup> чиқарилди.<sup>3</sup> “Ўзбекистон ССРда суд тизими тўғрисидаги Низом” га мувофиқ, Ўзбекистон ССР Олий суди томонидан жиноят ишлари социалистик мулкни мустаҳкамлаш бўйича кўп ишлар қилган Олий суд томонидан 7 август 1932 йилда чиққан Қонун бўйича кўриб чиқилар эди.

Кўриб чиқиладиган даврда Советлар МИҚ ва Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Кенгаши ЎзССР Адлия Халқ комиссарлиги тўғрисида бир қатор қарорлар чиқарди. Улар орасида 1932 йил июн ойида Советлар МИҚ ва ЎзССР ХКС қабул қилган "ЎзССР Адлия Халқ комиссарлиги тўғрисидаги Низомни ўзгартириш ва тўлдириш тўғрисида" ги Қарор<sup>2</sup> қабул қилганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз.<sup>4</sup> Бу Фармонга мувофиқ Ўзбекистон ССР Олий суди ва республика прокуратураси ЎзССР ЮХК таркибига киритилди, юстиция органларини ишини текшириш ва назорат қилиш учун ЮХК қошида ташкилий-конструкторлик бўлими ташкил қилинди. 1938 йил 13 сентябрда СССР Советлар МИҚ Президиуми "СССР Олий судининг ваколатларини

<sup>2</sup> ЎзРМДА , .Р-904-фонд, 9- йиғма жилд, 29- иш, 40 варок.

<sup>3</sup> СЗ СССР , 1932, №62, ст.360

<sup>4</sup> СУ ЎзССР, 1932, №17,ст.117-118

кенгайтириш тўғрисида” Қарор чиқарди, бу қарор . 1934 йил 4 январда СССР Советлари МИҚнинг IX-чақириқ тўртинчи сессиясида тасдиқланган<sup>5</sup> . Энди СССР Олий суди Иттифоқ республикалари судларига суд амалиёти бўйича кўрсатмалар бериш, шунингдек умумиттифоқ фармонлари ва қонунларини тушунтириш ҳуқуқи билан бир қаторда, Иттифоқ республикалари суд органлари фаолияти тўғрисида сўров ўтказиш, Иттифоқ Республикалари Олий судлари Пленумларининг бутуниттифоқ қонунчилигига зид бўлган айрим қарорларига норозилик билдириш ҳуқуқига эга бўлди.

1934 йил 16 сентябрда Советлар МИҚ ва СССР ХКСнинг "Суд ва прокуратура органларини қайта ташкил этиш ва мустаҳкамлаш тўғрисида" Қарори қабул қилинди<sup>6</sup> . Ушбу фармонга биноан СССР Олий судининг 1935 йилдаги штати 117 та ходимдан иборат рўйхати тасдиқланди. СССР Советлари МИҚнинг 1934 йил 10 июлдаги қарорига мувофиқ, Олий суд таркибида давлат жиноятлари тўғрисидаги ишларни биринчи инстансияда ҳам, кассацияда ҳам 34 кишилик ходимлар билан кўриб чиқиш учун махсус суд кенгаши ташкил этилди<sup>7</sup>.

СССР Марказий Ижроия қўмитасининг 1934 йил 10 июлдаги Қарори билан ички ишлар Халқ комиссарлиги тузилди ва унинг ҳузурида жиноий ишларни кўриб чиқиш ҳуқуқига эга махсус йиғилиш ташкил этилди<sup>8</sup> . Тегишли Халқ комиссарликлари барча Иттифоқ республикаларида тузилган. 1934 йил 21 июлда Ўзбекистон ССР Советларининг Марказий Ижроия қўмитаси ҳам "Ўзбекистон ССР ИИХК (НКВД) тузиш тўғрисида" Қарор чиқарди<sup>9</sup>.

Айтиш керакки, ўша пайтда Иттифоқ-Республика ички ишлар Комиссарликларининг 282 тани ташкил этилиши ижобий ҳаракат эди, аммо шахсга сиғиниш шароитида СССР НКВД ва Иттифоқ республикаларининг жиноий ишларни ҳал қилиш бўйича махсус йиғилишлари жиноий процессуал нормаларга риоя қилмаган

<sup>5</sup> СЗ УзССР, 1934, №2, ст. 17

<sup>6</sup> СЗ УзССР, 1934, №2, ст. 17

<sup>7</sup> СЗ СССР, 1934, 336,ст.284

<sup>8</sup> СЗ СССР, 1934, №36,ст.283

<sup>9</sup> ЎзРМДА, ф. Р-904, 225-варок

холда олиб борилди, бу эса ўзбошимчалик ва қонунсизликка олиб келди <sup>10</sup>. 1936 йил 5 декабрда қабул қилинган СССР Конституцияси барча давлат органлари, шу жумладан суд тизимини ташкил этиш ва фаолиятининг асосий тамойилларини қонуний равишда белгилаб берди. 1936 йил Конституциясига биноан Қонунчилик ва суд ишларини юритиш масалалари, шу жумладан жиноят ва фуқаролик қонунчилиги СССР ваколатига берилган.

1937 йил февралда Ўзбекистон ССР Советларининг VI-навбатдан ташқари курултойида Ўзбекистон ССРнинг 1936-йилги Конституциясига мувофиқ тузилган Конституцияси бир овоздан тасдиқланди<sup>11</sup>. СССРнинг янги Конституцияси қабул қилинишидан олдин ҳам, 1936 йил 20 июлда МИҚ ва СССР ХКС қарори билан СССР Адлия Халқ комиссарлиги тузилди <sup>12</sup>. Бу тўғрисидаги Низом, янги Конституцияга мувофиқ, МИҚ ва СССР ХКС нинг 1936 йил 8 декабрдаги Қарори билан тасдиқланган<sup>13</sup>.

1937 йил 20 майда Советлар МИҚ ва Ўзбекистон ССР ХКС ҳам Ўзбекистон ССР Адлия Халқ комиссарлиги тўғрисидаги янги Низомни тасдиқладилар<sup>14</sup>. Ушбу Низомга кўра, Республика Олий суди суд бошқарувидан озод қилинди ва республиканинг фақат энг юқори назорат қилувчи суд инстансиясига айланди. 1936 йил СССР Конституциясига мувофиқ ва СССР қонунчилигидаги ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда СССР Олий Кенгаши 1938 йил 16 августда «СССР, иттифоқ ва автоном республикаларнинг суд тузилмаси тўғрисидаги Қонун» қабул қилди <sup>15</sup>. Суд тизими тўғрисидаги Қонуннинг 68-моддасида шундай дейилган: "СССР Конституциясининг 104 ва 105-моддаларига мувофиқ, СССР Олий суди энг юқори суд органи ҳисобланади....СССР Олий судига СССР ва Иттифоқ республикаларининг барча суд органларининг суд ҳаракатларини назорат қилиш юклатилган." Ушбу назорат СССР Прокурори ва СССР Олий суди Раисининг судларнинг қонуний кучга кирган

<sup>10</sup> История Советского государства и права Узбекистана, Т.2, стр.797

<sup>11</sup> Правда Востока, 15 февраль, 1937 г. №38

<sup>12</sup> СЗ СССР, 1936, №40, ст.338

<sup>13</sup> СЗ СССР, 1936 г. №62, ст.455

<sup>14</sup> СЗ СССР, 1937г, №19, ст. 87

<sup>15</sup> Ведомости Верховного совета СССР, 1938, №11

хукмлари, қарорларига нисбатан норозилигини кўриб чиқиш орқали амалга оширилади.

Суд тизими тўғрисидаги Қонун суд органларини ташкил этишда бир қатор туб ўзгаришларни киритди: суд бошқаруви функциялари бўлинди, назорат қилувчи органлар сони кескин қисқартирилди, суд назорати тартибида норозилик билдириш ҳуқуқига эга бўлган шахслар доираси аниқланди ва ҳоказо.

Ушбу Қонун асосида назорат тартибида норозилик бериш ҳуқуқи фақат СССР прокурорига ёки иттифоқ республикаси Прокурорига, СССР Олий суди Раисига ва иттифоқ республикаси Олий суди Раисига берилган. раҳбарлик қилиш ҳуқуқи фақат СССР Олий суди Пленумига тегишли эди.

Бошқа Иттифоқ республикаларидаги каби Ўзбекистон ССР Олий судида ҳам раёсат ва Пленум бекор қилинди, аммо бундай қайта ташкил этиш нотўғри ва амалсиз эди.

Ўзбекистон ССР Олий суди Раёсати ва Пленуми фаолиятининг таҳлили шуни кўрсатадики, улар суд органлари фаолиятига раҳбарлик қилишда ва қуйи судларнинг хатоларини уларга раҳбарлик тушунтиришлари билан тузатишда катта рол ўйнаган.

СССРнинг 1936-йилги Конституциясида Қорақалпоқ АССРнинг Ўзбекистон ССР таркибига кириши, қадимдан яқин дўстлик ришталари билан боғланган қорақалпоқ ва ўзбек халқларининг ҳудуди, миллий, кундалик ва иқтисодий ҳаёти муштараклигини ҳисобга олган ҳолда кўзда тутилган эди. ҚАССРнинг Ўзбекистон ССР таркибига кириши туфайли, РСФСР суд тизимида вилоят (туман) суди сифатида мавжуд бўлган Қорақалпоқ АССРнинг илгари фаолият кўрсатган Бош суди бекор қилинди. Унинг ўрнига 1937 йилги Қорақалпоқ АССР Конституциясига мувофиқ бугунги кунда ҳам мавжуд бўлган Қорақалпоқ АССР Олий суди ташкил этилди. Ўзбекистон ССР Олий суди ҚАССР Олий судига мамлакатимизда социализм курилишини яқинлаш учун олиб борилган кураш давомида социалистик қонунийликни мустаҳкамлаш бўйича ўз ишини йўлга қўйишда самарали ёрдам кўрсатди. 1940-йил 26 июнда СССР Олий Совети Президиуми “Саккиз соатлик иш куни , етти кунлик иш ҳафтасига ўтилиши муносабати билан ишчи – ходимларнинг корхона ва муассасалардан ўзбошимчалик билан кетишини таъқиқлаш тўғрисида“ги фармонни қабул қилган. Фармонга асосан муассаса ва корхоналарда иш вақти 24- соат давомида узлуксиз 3- сменада ташкил қилинган. Фармонга кўра корхона ёки ташкилотлардан рухсатсиз ишдан кетган ишчилар судга берилиб халқ судининг ҳукми билан 2 ойдан 4 ойгача қамоқ жазосига ҳукм этилиши белгиланган. Сабабсиз ишга

келмаган ёки 20 минутдан ортқ ишга кеч келганларнинг ойлик маошларидан 25 % гача ушлаб қолинган. 6 ойгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланиши белгилаб кўйилганди. 1940- йил 15- сентябргача бўлган муддатда СССРда 1 082 216 кишига нисбатан жиноий иш очилиб судга тақдим этилган. Булардан 906 824 киши судланган. Яъни, 755 440 киши ишга кечикиб келганлиги учун, 131718 киши рухсатсиз ишдан кетганлиги учун, 2949 киши эса айбдорларни айтмаганлиги учун жазоланган. Ўзбекистон ССРда ҳам ишчиларни меҳнат интизомини бузганликда айблаб ёппасига жазолаш ишлари бошлаб юборилди. 1940-йил сентябрга келиб , Ўзбекистондаги судларга меҳнат интизомини бузилганлиги юзасидан 13877 та иш келиб тушган. Шулардан 10861 та иш суд тартибида кўриб чиқилган. Хуқуқбузарликнинг энг кўпи Тошкент виолятида содир бўлган. 1940- йил 1- сентябргача бўлган маълумотларда келтирилишича , Тошкент вилояти судларига 6896 та иш келиб тушган. 5504 та иш кўриб чиқилган. Фарғона вилоятида 2784 та иш келиб тушган, шундан 2548 та иш кўриб чиқилган. Бухоро вилоятига 1345 та иш , 1210 таси кўриб чиқилган. Самарқанд вилоятида 1782 та ишдан 1534 таси кўрилган. Хоразм вилоятида 521 та ишдан 485 таси Қорақалпоғистон АССРда 549 та иш келиб тушган. Шундан 465 таси кўриб чиқилган. 1940-йил 1- сентябрда Ўзбекистон ССРдаги барча судлар томонидан 10738 киши жазога ҳукм қилинган. Вилоятлар бўйича кўриб чиқадиган бўлса Тошкент вилоятида 4786 киши, Фарғонада 2353 , Бухорода 1215, Хоразмда 467, Қорақалпоғистон АССРда 526, Самарқандда 1391 киши жазога ҳукм қилинган. Шундан маҳкумларнинг 1206 таси рухсатсиз иш жойидан кетганлиги учун 9509 таси ишга кечикиб келганлиги учун жазога тортилган. Маҳкумларнинг 4462 тасига – 46% 3 ойгача, 5035 тасига 53.9% 3 ойдан 6 ойгача ахлоқ тузатиш ишлари жазоси берилган. Рухсатсиз иш жойидан кетганларнинг 922 тасига 2 ойдан 4 ойгача қамоқ жазоси тайинланган. Суд томонидан қабул қилинган ҳукм бир кундан кечиктирмасдан ижро этилган. Натижада судланувчи ҳукм юзасидан апелляция ва кассация шикоятлари беришга улгура олмаган. Маҳкумларга нисбатан енгил жазо тайинлаган, судьяларга нисбатан таъсир кучайтирилган. 1940-йил сентябрь ойида ўз хизмат вазифасига “масъулиятсизлик” билан қарагани учун, Ўзбекистон ССРда 17 нафар халқ судьяси маҳаллий кенгашлар томонидан лавозимидан олиниб, улардан 10 таси жиноий жавобгарликга тортилади. Архив маълумотларида баён этилишича: Ўзбекистон ССРда 58 нафар судья жазога тортилади. Москванинг топшириғига кўра,

Ўзбекистон ССР Адлия Халқ Комиссарлиги ва Олий суднинг бир қанча аъзолари халқ судларининг қабул қилган ҳукмларини қайтадан кўриб чиқишади. Маҳкумларга енгил жазо чораси қўлланилган ҳолатлар аниқланса Олий судга протест киритилган. Ўзбекистон ССР Олий суди 500 та иш бўйича халқ судлари томонидан қабул қилинган енгил ҳукмларни бекор қилиш ҳақида қарор қабул қилган. Ўзбекистон Адлия Халқ Комиссари Умаров ҳукуматга ҳисобот маърузасида халқ судларининг аянчли аҳволи ҳақида маълумот берган. Халқ судлари иш юритиш учун энг зарур бўлган канцелярия товарлари билан таъминланмаган эди. Натижада судланувчиларни руйхатга олиш суд ишларини юритиш бетартиб олиб борилган. 1940 йил октябрда Олий суд раиси Саидовнинг асосли эътирозларидан сўнг, ЎзССР ХКС халқ судларига иш юритиш учун бюджет маблағларидан 1.5 тонна қоғоз ажратиш ҳақида қарор қабул қилади. 1941 йил июн ойида Гитлер Германиясининг Совет Иттифоқиға хоинларча ҳужуми Совет халқининг тинч ижодий ишини бузди. Улуғ Ватан уруши бошланди - инсоният билган барча урушларнинг энг қийини бошланди. Уруш даври шароитида социалистик қонунийликни мустаҳкамлаш айниқса муҳим аҳамият касб этди.

СССР Олий Кенгаши Президиумининг 1941 йил 22 июндаги Фармони ҳарбий ҳолат эълон қилинган ҳудудларда ҳарбий трибуналлар тўғрисидаги Низомни тасдиқлади<sup>16</sup>. Шу билан бир қаторда Ўзбекистонда ҳам Иттифоқнинг қолган республикаларида бўлгани каби ҳарбий трибуналларга тақдим этилган айрим жиноий ишлар республика суд органлари судловидан ва Ўзбекистон ССР Олий судидан чиқарилди.

Бунга ҳарбий хизматчилар томонидан содир этилган барча жиноятлар, босқинчилик тўғрисидаги ишлар, давлат жинояти тўғрисидаги ишлар ва 1932 йил 7 августда қабул қилинган Қонунида назарда тутилган жиноятлар кирди<sup>17</sup>.

СССР Олий Кенгаши Президиумининг 1940 йил 29 июндаги Фармониға мувофиқ СССР Адлия Халқ комиссарлиги ва Иттифоқ республикалари Адлия Халқ Комиссарликлари интизомий жазо тайинлаш ҳуқуқидан фойдаланганлар<sup>18</sup>. 1943, 1944, 1945 йилларда ҳар йили 1 миллиондан ортиқ фуқаролар жиноий жавобгарликға тортилганлар. 1940-йил 26- июндаги фармон урушдан кейинги йилларда ҳам амалда бўлди.

<sup>16</sup>Ведомости верховного совета сср. 1941 г., №29

<sup>17</sup>М.В. Кожевников, История советского суда, 1917-1956 гг. М., госюриздат, 1957, стр. 329

<sup>18</sup> Ведомости верховного совета СССР, 194г, №28